“ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти
ихтисослаштирилган лизинг компанияси
акциядорларининг 2014 йил 27 июндаги
Умумий йиғилиши томонидан

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

_________________________Б.Махмудов
Раислик қилувчи
М.Ў.

# “ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясининг Ижроия органи тўғрисида НИЗОМ

**Тошкент – 2014 йил**

Мазкур Низом “ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясининг (кейинги ўринларда матнда “Компания” деб юритилади) яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Директорнинг фаолият тартиби, унинг ваколатлари, шунингдек унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

## I.Умумий қоидалар

11.1. Компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш яккабошчилик асосидаги ижроия органи -Директор томонидан амалга оширилади.

1.2. Директор Компаниянинг ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Компания Устави, акциядорлар умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

1.3. Компания Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

1.4. Компаниянинг Директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тайинланади.

1.5. Директор билан меҳнат шартномасини компания номидан компания Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

1.6. Компания Директорининг ваколатларига компаниянинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки компания Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

1.7. Компания Директори акциядорлар умумий йиғилиши ва компания Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

1.8. Компания Директори компания Устави ва ушбу Низом асосида иш олиб боради.

## II. Директорнинг ваколатлари

2.1. Компания Директорининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- компания устави ва Компания Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Компаниянинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Компаниянинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш;
- Компания фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлаш;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида такдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Компания фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш;
- ушбу Низомга мувофиқ Директор ваколатига кирувчи бошқа масалалар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қилиш.

## III. Директорнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

3.1. Директорнинг ҳуқуқлари қуйидагилардир:

-компания Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- компания номидан ишончномасиз иш юритиш;

- давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда компаниянинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- штатларни белгилаш;

- компания ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

- компания номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- компаниянинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

3.2. Директорнинг мажбуриятлари қуйидагилардир:

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- компания Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган бизнес-режанинг бажарилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Компания ички ҳужжатларига риоя қилиш;

- ушбу Низомга мувофиқ Директор ваколатига кирувчи бошқа масалалар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қилиш.

- ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Компания манфаатларини кўзлаб иш тутиш.

3.3. Компания Директори қонун ҳужжатларига ва компания уставига мувофиқ Компания олдида жавобгардир.

- давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда компаниянинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- штатларни белгилаш;

- компания ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;

- компания номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- компаниянинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

3.2. Директорнинг мажбуриятлари қуйидагилардир:

- ўз ваколатлари доирасида Компаниянинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши ва Компания Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган бизнес-режани бажарилиши таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Компания ички ҳужжатларига риоя қилиш;

- ушбу Низомга мувофиқ Директор ваколатига кирувчи бошқа масалалар юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли қарорлар қабул қилиш.

- ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда Компания манфаатларини кўзлаб иш тутиш.

3.3. Компания Директори қонун хужжатларига ва компания уставига мувофиқ Компания олдида жавобгардир.

“ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти
ихтисослаштирилган лизинг компанияси
акциядорларининг 2014 йил 27 июндаги
Умумий йиғилиши томонидан

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

_________________________Б.Махмудов
Раислик қилувчи

М.Ў.

# “ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компанияси Тафтиш комиссияси тўғрисида НИЗОМ

Тошкент – 2014 йил

# I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компанияси (бундан буён Компания деб юритилади) Тафтиш комиссиясининг фаолияти тартибини ва унинг компаниянинг бошқа органлари билан ўзаро ҳаракатларини белгилайди.

1.2. Тафтиш комиссияси Компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи Компания органи ҳисобланади.

1.3. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Компания Уставига ва мазкур Низомга, шунингдек Компания акциядорлари Умумий йиғилишининг қарорларига риоя қилади.

1.4. Тафтиш комиссияси таркибининг сон миқдори, Тафтиш комиссияси таркибига сайланиши белгиланган шахсларни чеклаш, шунингдек Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Компания уставида белгиланади.

1.5. Тафтиш комиссияси Компания акциядорларининг йиллик Умумий йиғилишида Компания акциядорларининг навбатдаги йиллик Умумий йиғилиши муддатигача сайланади

1.6. Компания тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир компаниянинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

1.7. Тафтиш комиссияси раиси (бундан буён Раис деб юритилади) Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан Тафтиш комиссиясига сайланган аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади ва ҳар қандай пайтда қайта сайланиши мумкин.

1.8. Раис Тафтиш комиссиясининг ишини ташкил қилади, Тафтиш комиссиясининг мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади.

# II. КОМПАНИЯ ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ

2.1. Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра компания ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига (тафтишчига) тақдим этиши шарт.

2.2. Компания тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида компания Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

2.3. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, компания Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки компания овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра компания Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

2.4. Тафтиш комиссияси текширишлар (тафтишлар) чоғида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- компаниянинг ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳисоботларидаги маълумотларнинг ишончлилигига баҳо бериш;
- бухгалтерия ҳисобини норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб борилишини таҳлил қилиш;
- компаниянинг молия-хўжалик фаолиятида белгиланган нормативлар, қоидаларга риоя қилишини таҳлил қилиш;

- компаниянинг молия-хўжалик фаолиятида белгиланган нормативлар, қоидаларга риоя қилишини таҳлил қилиш;

- молия-хўжалик фаолиятни амалга оширишда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим қилиш тартиби, шунингдек қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисида ахборот бериш.

2.5. Компаниянинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра компаниянинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади, бу хулосада:

компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

2.6. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) компанияда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда компания Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади.

Компанияда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

2.7. Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ҳар чоракда Компания Кузатув кенгаши мажлисига компанияда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисида, шунингдек компаниянинг бундай битимларни тузишида қонун ҳужжатлари ва компания ички ҳужжатлари талабларига риоя қилганлиги ҳақида хулоса тақдим қилади. Компаниянинг ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳисоботларидаги маълумотларнинг ишончлилиги, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тақдим қилиш тартибини, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларини бузилганлиги ҳолатлари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олувчи хулоса компания акциядорларининг йиллик Умумий йиғилишида эшитилади.

2.8. Бунда компанияда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва компания ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулоса Тафтиш комиссияси томонидан Компания ижроия органи томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар ва материаллар асосида Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни 8 ва 9-бўлимлари нормалари талабларига ва бошқа қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда тайёрланади. Компанияда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар, шунингдек компаниянинг бундай битимларни тузишида қонун ҳужжатлари нормаларига риоя қилганлигига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни тақдим қилмаганлик ва ўз вақтида тақдим қилмаганлик учун Компания ижроия органи жавобгар бўлади.

## III. КОМПАНИЯ ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

3.1. Компания Тафтиш комиссияси ўз функцияларини лозим даражада бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- компания бошқарув органларидан, унинг таркибий тузилмалари раҳбарларидан Компания молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни сўраб олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ёзма сўровнома олинган кундан бошлаб беш кун ичида компания мансабдор шахслари томонидан тақдим этилиши шарт;

- компания Кузатув кенгаши мажлисини, акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказишни талаб қилиш. Тафтиш комиссиясининг талабнома қўйилиши ҳақидаги қарори Тафтиш комиссияси мажлисида ҳозир бўлган Тафтиш комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва бундай қарорни қабул қилиш учун овоз берган Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан имзоланади. Талабнома кун тартибига киритилиши лозим бўлган масалаларнинг, уларни киритиш учун асосларни кўрсатган ҳолдаги формулировкасидан иборат бўлиши лозим;

- Компаниянинг ишчиларидан, шу жумладан мансабдор шахсларидан Тафтиш комиссиясининг ваколатларига кирадиган масалалар бўйича шахсан тушунтиришлар беришни талаб қилиш;

- белгиланган тартибда компания ишчиларини, шу жумладан мансабдор шахсларини интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш ҳақида таклиф киритиш;

- ушбу Низомда белгиланган миқдорлар ва тартибда ҳақ ва компенсация олиш.

3.2. Компания Тафтиш комиссияси (тафтишчиси) қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## IV. КОМПАНИЯ ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Компания тафтиш комиссияси қуйидагиларга мажбурдир:

- компания Кузатув кенгаши мажлисини ёки акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш, башарти Компания молия-хўжалик фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолати аниқланган ёки компания манфаатларига таҳдидлар Компаниянинг кўрсатилган бошқарув органлари томонидан ўз ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилишни тақозо қилган ҳолларда;

- компания Кузатув кенгашида компания акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ўтказиладиган санага қадар Компанинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунлари бўйича хулосани тақдим қилиш;

- компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳисоботларидаги маълумотларнинг ишончлилигига баҳо бериш;

- текшириш ташаббускорига Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган бухгалтерия ҳисобини юритиш, шунингдек молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш тартиби бузилганлиги ҳолатлари ҳақида ахборот бериш.

4.2. Тафтиш комиссияси аъзолари ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширишда Компания манфаатларини кўзлаб ҳалол ва оқилона ҳаракат қилишлари лозим. Текширишларни (тафтишларни) ўтказишда Тафтиш комиссияси аъзолари текшириш (тафтиш) предмети бўлган барча ҳужжатларни лозим даражада ўрганиб чиқишлари лозим.

4.3. Тафтиш комиссияси аъзосининг ваколатлари акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тугатилиши мумкин:

- ўз хоҳишига кўра;

- ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини инсофсиз тарзда амалга оширган тақдирда;

- қонунда назарда тутилган ҳолларда.

4.4. Тафтиш комиссияси аъзоси қуйидагиларга мажбурдир:

-Тафтиш комиссияси Раисини ва компания Кузатув кенгашини Тафтиш комиссияси таркибидан чиқиш (ўз ваколатларини муддатидан олдин топшириш) истаги ҳақида ёзма равишда хабардор қилиш;

- ўз функцияларини амалга ошириш чоғида унга маълум бўлган Компания томонидан ҳужжатларга (ахборотга) белгиланган тижорат сири режимига риоя қилиш.

## V. ТЕКШИРИШЛАРНИ (ТАФТИШЛАРНИ) ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

5.1. Режали текшириш (тафтиш) Компаниянинг йиллик фаолияти якунлари бўйича амалга оширилади.

5.2. Қолган барча текширишлар (тафтишлар) режадан ташқари ҳисобланади.

5.3. Режадан ташқари текшириш (тафтиш) қуйидагиларга биноан ўтказилади:

- компаниянинг овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоиз акцияларига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра;
- компания акциядорлари Умумий йиғилишининг қарорига кўра;
- компания Кузатув кенгаши қарорига кўра;
- Тафтиш комиссиясининг ташаббусига кўра.

5.4. Режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш ҳақидаги талабнома ёзма равишда Раис номига киритилади ва Компания манзилига буюртма хат билан ёки факсимил алоқаси орқали юборилади ёхуд компания девонхонасига топширилади.

Талабномани тақдим қилиш санаси почта жўнатмасини ёхуд факсимил хабарномасини Компанияга келиб тушган санаси ёки Компания девонхонасига топширилган санаси бўйича белгиланади.

5.5. Режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш ҳақидаги талабномада қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш ташаббускорининг номи;
- режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш зарурлигининг сабаблари кўрсатилган асоси.

Ташаббускорнинг режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш ҳақидаги талабномасига қуйидагилар илова қилиниши лозим:

- қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома, агарда талабнома акциядорнинг (акциядорларнинг) – жисмоний шахснинг ишончли шахси томонидан имзоланган бўлса;
- юридик шахснинг устави, юридик шахснинг вакилини лавозимга тайинлаш ҳақидаги ҳужжат ёхуд қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома (ёки кўрсатилган ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари), агарда талабнома акциядор (акциядорлар) – юридик шахс томонидан имзоланган бўлса;
- лозим даражада расмийлаштирилган акциядорларнинг Умумий йиғилиши, компания Кузатув кенгаши мажлислари баённомаларининг нусхалари (кўчирмалари), агарда режадан ташқари текшириш (тафтиш) акциядорларнинг Умумий йиғилиши ёки компания Кузатув кенгашининг қарорига ўтказилаётган бўлса;

5.6. Лозим даражада расмийлаштирилган талабнома киритилгандан кейин 10 кун ичида Тафтиш комиссияси режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш ҳақида уни ўтказишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

Раис қарор қабул қилинган кундан бошлаб 5 кун ичида режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш ташаббускорини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

5.7. Режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш рад қилиш ҳақидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади, агарда:

- қонун ҳужжатларига мувофиқ режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш ташаббускори бундан текширишни (тафтишни) ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига бўлган шахс бўлмаса;
- талабнома ваколатлари лозим даражада тасдиқланмаган шахс томонидан имзоланган бўлса.

5.8. Режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш ташаббускори ҳар қандай пайтда Тафтиш комиссияси томонидан ушбу масала бўйича қарор қабул қилингунга қадар ушбу Низомнинг 5.4-бандида назарда тутилган тартибда ёзма равишда Тафтиш комиссиясини хабардор қилган ҳолда ўз талабномасини қайтариб олишга ҳақлидир.

5.9. Режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш давомийлиги 90 (тўқсон) кундан ошмаслиги лозим.

5.10. Режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш якунлари бўйича хулоса режадан ташқари текширишни (тафтишни) ўтказиш ташаббускорига Тафтиш комиссияси томонидан режадан ташқари текшириш (тафтиш) натижалари бўйича қарор қабул қилинган мажлиснинг баённомаси имзолангандан кейин 5 иш кунидан ошмаган муддат ичида хат билан ёки факсимил алоқаси орқали ёхуд шахсан имзо қўйдириб топширилган ҳолда маълум қилинади.

## VI. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ

6.1. Ҳақ ва компенсация олиш ҳуқуқига Қонун билан белгиланган тартибда компания акциядорларининг йиллик (навбатдан ташқари) Умумий йиғилишида сайланган Тафтиш комиссияси аъзолари эгадирлар.

6.2. Ҳақ тўлаш ва тафтиш комиссияси аъзоларининг (тафтишчининг) харажатларини компенсация қилиш ҳақидаги қарор компания акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан компания Кузатув кенгашининг тавсиясига асосан қабул қилинади.

## VII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

7.1. Тафтиш комиссияси мажлисларда барча масалалар бўйича қарор қабул қилади.

7.2. Тафтиш комиссиясининг мажлиси Раис томонидан қонун ҳужжатлари, компания Устави ва мазкур Низом талабларини инобатга олган ҳолда заруратга кўра чақирилади.

7.3. Мажлислар Тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланган режага мувофиқ, шунингдек текширишни (тафтишни) бошлашдан аввал ва уни ўтказиш натижалари бўйича ўтказилади.

7.4. Тафтиш комиссияси аъзоси навбатдан ташқари мажлисни чақиришга ҳақли, башарти компаниянинг молия-хўжалик фаолиятида Тафтиш комиссияси томонидан кечиктирмасдан ҳал қилинишини талаб этадиган қонун бузилишлар аниқланганда.

7.5. Тафтиш комиссиясининг барча мажлислари ҳозир бўлган ҳолда ўтказилади.

7.6. Тафтиш комиссиясининг мажлислари, агарда унда Тафтиш комиссиясига сайланган аъзоларнинг ярмидан кўпи иштирок этаётган бўлса, ваколати (кворум мавжуд деб) ҳисобланади.

7.7. Мажлисларда масалаларни ҳал қилишда Тафтиш комиссиясининг аъзоси бир овозга эгадир. Тафтиш комиссиясининг бир аъзосининг овозини Тафтиш комиссиясининг бошқа аъзосига ёки бошқа шахсга берилиши таъқиқланади.

7.8. Тафтиш комиссияси қарорлари Тафтиш комиссияси мажлисида ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

7.9. Тафтиш комиссиясининг мажлисларида баённома юритилади.

Баённомада қуйидагилар акс эттирилади:

- Тафтиш комиссияси мажлиси ўтказиладиган сана, жой ва вақт;
- Тафтиш комиссиясида муҳокама қилинган масалалар;
- мажлисда иштирок этган Тафтиш комиссияси аъзоларининг шахсий таркиби;
- Тафтиш комиссияси мажлисида иштирок этганлар чиқишларининг асосий ҳолатлари;
- овоз беришга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш якунлари;
- Тафтиш комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар.

7.10. Тафтиш комиссиясининг баённомаси у ўтказилган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай тузилади ва баённомани тўғри тузилганлиги учун жавобгар бўлган мажлисга раислик қилувчи томонидан имзоланади.

Қабул қилинган қарордан норози бўлган Тафтиш комиссиясининг аъзоси алоҳида фикрини билдиришга ҳақли, унинг фикри мажлис баённомасига киритилиши шарт.

Агарда алоҳида фикр ёзма равишда ифода этилган бўлса, у ҳолда мажлис баённомасига кўшиб кўйилади.

7.11. Тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомалари компания Ижроия органига, шунингдек компания Кузатув кенгашига тақдим қилинади. Тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомалари компания ижроия органи жойлашган ерда сақланади.

7.12.Тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари, хулосалари, ҳужжатлари, акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини ва компания Кузатув кенгаши мажлисларини чақириш талабномалари улар бўйича қарор қабул қилишда овоз берган Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан имзоланади.

“ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик компанияи
ихтисослаштирилган лизинг компанияси
акциядорларининг 2014 йил 27 июндаги
Умумий йиғилиши томонидан

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

____________________Б.Махмудов
Раислик қилувчи

М.Ў.

# “ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясининг Кузатув кенгаши тўғрисида НИЗОМ

**Тошкент – 2014 йил**

Мазкур Низом “ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компаниясининг (кейинги ўринларда матнда “Компания” деб юритилади) Кузатув кенгашини (кейинги ўринларда матнда “Кузатув кенгаши” деб юритилади) ташкил этиш ва унинг фаолият тартиби, унинг аъзоларини сайлаш, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1.1. Компаниянинг Кузатув кенгаши компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва компания устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра компания Кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) Кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

## II. Кузатув кенгашининг ваколат доираси

2.1. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

компания акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

компания уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки унинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

компания директорининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;

компаниянинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

компания ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва компания кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Компания кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

компаниянинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

компаниянинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

компаниянинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

компаниянинг акциядорлик жамияти ёки маъсулияти чекланган жамият шаклдаги шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

компаниянинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

компаниянинг устав капиталини кўпайтириш масалаларини, шунингдек компания уставига жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш орқали Компания устав фондини кўпайтириш ва Компания уставига ушбу билан боғлиқ тегишли ўзгартиришлар киритиш;

эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари доирасида Компания томонидан қўшимча акцияларни чиқариш орқали Компания устав капиталини кўпайтириш ва Компания уставига ушбу билан боғлиқ тегишли ўзгартиришлар киритиш;

эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

эмиссия рисоласини ва қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш;

амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Компания томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

компаниянинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Компания Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Компания Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ йирик битимлар (баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Компания соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизгача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир қанча битимлар) тузиш (йирик битим тузиш масаласида Компания Кузатув кенгашининг якдиллигига эришилмаган ҳолларда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Компания Кузатув кенгаши қарорига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда аффилланган шахслар иштирокида битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

компания Устави ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Компания Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Қонун ва компания уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

2.3. Компания Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун компаниянинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

## III. Кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш

3.1. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланади.

3.2. Компаниянинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин.

3.3. Компания директори компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

3.4. Айни шу компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар компаниянинг Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.5. Компаниянинг Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар компания уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган қарорда белгилаб қўйилиши мумкин.

3.6. Компания Кузатув кенгашининг сон таркиби Компания уставига мувофиқ 7 (етти) кишидан иборат таркибда билан белгиланган.

3.7. Компаниянинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони компаниянинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар компания Кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

## IV. Кузатув кенгашининг раиси

4.1. Компания Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

4.2. Компаниянинг Кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

4.3. Компания Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

4.4. Компания Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

## V. Компания Кузатув кенгашининг мажлиси

5.1. Компания Кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Компания Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), компания директорининг, шунингдек компания уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади. Компания Кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби компания уставида белгилаб қўйилади.

5.2. Компания Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Компания кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

5.3. Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг сони Компания уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Компания кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Компания директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

5.4. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

5.5. Компаниянинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва компания уставига тегишли ўзгартишлар киритиш, шунингдек Компаниянинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва Компания уставига тегишли ўзгартишлар киритиш масалалари бўйича қарор Компания Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади.

5.6. Компания Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

5.7. Компания Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолларда, Компания Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

5.8. Компания Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Компания Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

5.9. Компания кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган компания кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.10. Компания кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) компания кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

5.11. Компания кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни компаниянинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот компаниянинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

5.12. Компания Кузатув кенгаши мажлисларида компания Директори маслаҳат овози билан иштирок этиши мумкин.

## VI. Кузатув кенгаши аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Компания Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатув кенгаши қарорига кўра муайян даврда компаниянинг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

Кузатув кенгашида ишлаганлик учун (агар тақдирлаш пули тўлаш компания акциядорларининг Умумий йиғилиши қарорида назарда тутилган бўлса), тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш.

Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш Кузатув кенгаши раиси томонидан компания Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлигига қараб компания акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

6.2 Кузатув кенгашнинг компания битишув тузишидан манфаатдор бўлган аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида Кузатув кенгашига битишув тузилиши пайтигача маълум қилиши шарт, битишув тўғрисидаги қарор эса Кузатув кенгаши томонидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда, тегишли равишда Кузатув кенгаши аъзолари ёки бундай манфаатдорлиги бўлмаган акциядорларнинг кўпчилик овози билан компания акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.3. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

6.4. Кузатув кенгаши аъзолари компания имкониятлари (мулкий ва номулкий ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, компаниянинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

6.5. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек компания манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

## VII. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги

7.1. Компания Кузатув кенгашининг аъзолари компания олдида қонун ҳужжатларига ва компания уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки компанияга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган компания Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

7.2. Компания ёки компаниянинг жойлаштирилган оддий акцияларининг умуман олганда камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) компанияга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Кузатув кенгаши аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

“ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти
ихтисослаштирилган лизинг компанияси
акциядорларининг 2014 йил 27 июндаги
Умумий йиғилиши томонидан

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

______________________Б.Махмудов
Раислик қилувчи
М.Ў.

# “ЎзМЕД-лизинг” акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компанияси акциядорларининг Умумий йиғилиши тўғрисида НИЗОМ

**Тошкент – 2014 йил**

## I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом "ЎзМЕД-лизинг" акциядорлик жамияти ихтисослаштирилган лизинг компанияси (бундан буён Компания деб юритилади) акциядорларининг умумий йиғилишининг мақоми ва унинг иши, уни ўтказиш ва қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ва компания Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Компания Акциядорларнинг умумий йиғилиши компаниянинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

1.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини компания кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, компания кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

1.5. Компания ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши компания Уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида компаниянинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, компаниянинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи (бундан буён матнда директор деб юритилади)-директор билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошиларига мувофиқ компаниянинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

1.7. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

1.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

## II. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) компания Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Компаниянинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б) компанияни қайта ташкил этиш;

в) компанияни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г) компания Кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;

д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е) устав капиталини камайтириш;

ж) ўз акцияларини сотиб олиш;

з) компаниянинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

и) компания тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

к) компания йиллик хисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва

зарарлари ҳисоб-варағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;

л) компания Кузатув кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан, компанияни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;

м) акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эммисиявий қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;

н) умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;

о) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

п) агар Компания кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, компаниянинг аффилланган шахси билан тузиладиган битим бўйича қарор қабул қилиш;

р) битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада баланс қиймати компания соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортиқ мол-мулк хусусида йирик битим тузиш;

с) Компания Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш:

т) амалдаги қонунчилик ва компания Уставида кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

2.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар компаниянинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар компаниянинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қуйидаги масалалар бундан мустасно:

компаниянинг устав капиталини кўпайтириш, шунингдек компания уставига компаниянинг устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

компания томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

компаниянинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

компаниянинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

компаниянинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

компаниянинг йиллик бизнес-режасини "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 75-моддаси биринчи қисми ўн биринчи хатбошисига мувофиқ тасдиқлаш.

## III. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига компаниянинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар эга бўлади.

3.2. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунида бошқача қоида белгиланмаган бўлса,

компаниянинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида компаниянинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

3.4. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи - тўртинчи, олтинчи ва ўн тўртинчи хатбошиларида ҳамда 84-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

3.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиш тартиби компаниянинг уставида ва ушбу Низомда белгилаб қўйилади.

3.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул килишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

3.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ҳамда компания уставида назарда тутилган тартиб ва муддатларда, бироқ бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

3.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан давлат вакилининг иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди.

3.9. Агар акциядор узрли сабабга кўра акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

## IV. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи, акциядорларни ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатга олиш

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан 3 (уч) иш куни олдин шакллантирилган компания акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

4.2. Компания акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган компания акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

4.3. Шакллантирилган компания акциядорларининг реестрига ўзгартиришлар кўрсатилган реестрга уни тузиш санасида киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тиклангандан кейин, ёки уни тузишда йўл қўйилган хатоликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузатилганда киритилиши мумкин.

4.4. Компания акциядорларининг умумий йиғилишида компания акциядорлари реестрида белгиланган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, компания аудитори, кузатув кенгаши аъзолари (Кузатув кенгаши ва компания назорат органларига сайланиши, шунингдек компания директорини тайинлаш бўйича бюллетенга овоз беришга киритилган

тақдирда кўрсатилган шахсларни ҳам таклиф қилиш тавсия қилинади) иштирок этишга ҳақлидирлар.

4.5. Компания акциядорларининг умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабарнома бўйича жойда ва вақтда рўйхатдан ўтишлари лозим.

4.6. Умумий йиғилишда иштирок этиш учун келган акциядорларни - жисмоний шахсларни рўйхатга олиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат тақдим қилинган ҳолда, вакилга нисбатан эса – шунингдек нотариал тартибда тасдиқлатилган ишончнома кўрсатилган ҳолда рўйхатга олинади.

4.7. Компания акциядори бўлган юридик шахснинг раҳбари Умумий йиғилишда ўз ваколатларини лавозимга тайинланиши тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

4.8. Компания акциядори бўлган юридик шахснинг вакили Умумий йиғилишда унинг номига расмийлаштирилган, таъсис ҳужжатлари билан бунга ваколатли бўлган ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва шу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган ишончнома мавжуд бўлганда иштирок этиши мумкин.

4.9. Компания акциядорларининг реестрига мувофиқ қайд этиш рўйхати тузилади.

Қайд этиш рўйхати жадвали тикилган, рақамланган ва компания муҳри туширилган бўлиши лозим.

4.10. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилганда акциядорлар (уларнинг вакиллари) қайд этиш рўйхатига имзо қўядилар ва компания акциядорлари реестридаги маълуломотлар бўйича белгиланган овоз берувчи акциялар миқдоридан келиб чиқиб овоз бериш учун бюллетенлар комплектини оладилар.

4.11. Агарда йиғилиш иштирокчиси бир ёки бир неча акциядорларнинг манфаатларини ифода этиш бўйича ишончнома тақдим қилса, унга вакиллик қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) бюллетени берилади, қайд этиш рўйхатида эса вакиллик қилинаётган акциядорнинг номи қаршисига қуйидаги белги қўйилади: “______даги ___-сонли ишончнома, _____ (овоз берувчи акциялар сони) ва вакилнинг фамиялияси, исми отасининг исми кўрсатилади”.

## V. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги ахборот

5.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 7 (етти) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин компаниянинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

5.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

компаниянинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;

компания акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;

умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

5.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) компаниянинг йиллик ҳисоботи, компаниянинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан компания Тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, компания Кузатув кенгашининг Директор билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек компаниянинг Кузатув

кенгаши ҳамда Тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, компаниянинг Уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки компаниянинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

5.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

## VI. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига таклифлар

6.1. Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) компаниянинг молия йили тугаганидан кейин 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай, агар компания уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

6.2. Акциядорлар (акциядор) компания кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

6.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

6.4. Компания кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод компания акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

6.5. Компаниянинг кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 6.1- ва 6.2-бандларида белгиланган муддат тугаганидан сўнг 10 (ўн) кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар компаниянинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ушбу Низомнинг 6.1-бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан риоя этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) компаниянинг ушбу Низомнинг 6.1-бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

ушбу Низомнинг 6.3-бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

таклифлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ бўлмаса.

6.6. Компания кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни компания кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади.

6.7. Компания кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни компания кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

## VII. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда компаниянинг кузатув кенгаши, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса, умумий йиғилишни чақирувчи шахслар қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказиш учун компания акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

7.2. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, “турли масалалар”, “бошқа масалалар”, “ўзга масалалар” ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

7.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 (ўн) кундан кам ва 30 (ўттиз) кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

## VIII. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

8.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши компания кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада компания овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

8.2. Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки компания овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай компаниянинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

8.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

8.4. Компаниянинг кузатув кенгаши компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки компания овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

8.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий

йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

8.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

8.7. Компаниянинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ёки компания овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан 10 (ўн) кун ичида компания кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

8.8. Компания тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёки компания овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу Низомнинг 8.1-бандида назарда тутилган миқдордаги компания овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ бўлмаса.

8.9. Компания кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантирилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай юборилади.

8.10. Компания кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

8.11. Компания Кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра компаниянинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

## IX. Акциядорларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш тартиби

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

9.2. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

9.3. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган

бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

9.4. Агар компаниянинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хоҳишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

## X. Акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми

10.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

10.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

10.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирк фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

10.4. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 62-моддасида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

10.5. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

## XI. АКЦИЯДОРЛАР УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНИНГ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

11.1. Раёсат (раислик қилувчи), саноқ комиссияси, котиб (котибият) акциядорлар Умумий йиғилишининг ишчи органлари ҳисобланади.

11.2. Акциядорлар Умумий йиғилишининг раёсати (раислик қилувчи) акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан сайланади. Бунда раёсат таркибига лавозими бўйича компания Кузатув кенгаши раиси киради.

11.3. Акциядорлар Умумий йиғилиши раиси йиғилиш раёсатига раислик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунга ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

11.4. Акциядорлар Умумий йиғилишига раислик қилувчи (раис) йиғилиш ўтишига раҳбарлик қилади, Умумий йиғилиш ишчи органлари ҳаракатини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг чиқиш вақтларини чегаралайди, йиғилишнинг бориши ва овоз беришда тушунтиришлар беради, залда тартиб сақланишини назорат қилади.

11.5. Акциядорлар Умумий йиғилишига раислик қилувчи (раис) Умумий йиғилиш баённомаси ва қарорини имзолайди.

11.6. Овозларни ҳисоблаб чиқиш, акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек овоз бериш учун бюллетенлар

бериш учун компания Кузатув кенгаши томонидан Санок комиссияси тузилади, унинг миқдори ва шахсий таркиби акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

11.7. Санок комиссиясининг 3 кишидан кам бўлмаслиги лозим. Санок комиссиясига компания Кузатув кенгаши аъзолари, Тафтиш комиссияси аъзолари, компания директори кириши мумкин эмас.

11.8. Санок комиссияси ўзига юклатилган вазифалар бўйича мустақил ҳаракат қилувчи ишчи органи ҳисобланади ва акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан кузатув кенгашининг таклифига биноан тасдиқланади.

11.9. Санок комиссиясининг ваколат муддати акциядорларнинг тегишли (йиллик ёки навбатдан ташқари) Умумий йиғилиши томонидан унинг янги таркиби сайлангунга қадар давом этади.

11.10. Бўлиб ўтаётган акциядорларнинг Умумий йиғилишида тасдиқланган Санок комиссияси қуйидагиларни амалга оширади:

акциядорларнинг Умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди;

умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;

овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди;

овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради; овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади;

овоз бериш бюллетенларини компаниянинг архивига топширади.

## XI. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш, овоз бериш бюллетени, овозларни санаб чиқиш, овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома

11.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш “компаниянинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз” принципи бўйича амалга оширилади, компаниянинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

11.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади.

11.3. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни компаниянинг кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши компания Кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

11.4. Овоз бериш бюллетенида: компаниянинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси, вақти ва жойи, овоз беришга қўйилган ҳар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга қўйилган ҳар бир масала бўйича “ёқлайман”, “қаршиман” ёки “бетарафман” деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга қўйилган масалага “ёқлайман” деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлиги тўғрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

11.5. Компаниянинг кузатув кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзосини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўғрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

**а) Овоз берилганида овозларни санаб чиқиш**

11.6. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Мазкур талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

11.7. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан мазкур модданинг биринчи қисмида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

**б) Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома**

11.8. Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олади ва саноқ комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

11.9. Овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзолангнидан кейин овоз бериш бюллетенлари саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ҳамда сақлаб қўйиш учун компаниянинг архивига топширилади.

11.10. Овоз бериш якунлари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасига қўшиб қўйилиши лозим.

11.11. Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

## XII. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси

12.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин 10 (ўн) кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

12.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

компаниянинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

умумий йиғилишнинг раиси ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

12.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.